

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 338 (470.324)

МУСОИТОВ ИХТИЁР МАҲМУДЖОНОВИЧ

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МАБЛАҒЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
(АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Тошкент шаҳар Шаҳристон филиали
маълумотлари асосида)

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ


Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Я.Алиев

Тошкент – 2018 й.


Диссертация ишида куйидаги асосий масалалар хал этилди: кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил қилишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Тошкент шаҳар Шаҳристон филиали томонидан кичик саноат зоналари фаолиятида тижорат банклари маблағларидан фойдаланиш ҳолати, кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари ўрганилган. Тадқиқотлар жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши кичик саноат зоналари фаолиятини молиялаштиришга кўмаклашади.

The following major issues were solved in the dissertation: Organizational, economic and legal bases of the organization of small industrial zones, the use of commercial banks' funds in the activity of small industrial zones by the Shahrستان branch of Uzpromstroybank, improving the use of commercial banks funds for the development of small industrial zones ways of learning. The practical application of scientific recommendations and practical recommendations in the research process will help to finance the activities of small industrial zones.


Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Алиев Я.


имзо 19.06.2018
сана

Магистр: Мусоитов И.


имзо 19.06.2018
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов 

“15” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “20” 06. соат 19⁰⁰ да Тошкент давлат
иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I Боб. Кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва уни ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари.....	11
1.1. Ўзбекистон Республикасида кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил қилишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари.....	11
1.2. Кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда банк маблағларидан фойдаланиш хусусиятлари.....	23
1.3. Кичик саноат зоналари, технополияларни ташкил этиш хорижий давлатлар тажрибаси.....	35
Биринчи боб бўйича хулоса.....	40
II Боб. Кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили (АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Тошкент шаҳар Шаҳристон филиали маълумотлари асосида).....	41
2.1. Ўзбекистон Республикасида саноат корхоналари фаолияти ҳамда кичик саноат зоналари ривожланиш ҳолати.....	41
2.2. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолияти тавсифи ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.....	48
2.3. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Тошкент шаҳар Шаҳристон филиали томонидан кичик саноат зоналари фаолиятида тижорат банклари маблағларидан фойдаланиш таҳлили.....	61
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	69
III Боб. Кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан фойдаланишни янада ривожлантириш йўллари.....	70
3.1. Кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари.....	70
3.2. Кичик саноат зоналари фаолиятида имтиёزلарни жорий этиш ва уларнинг ривожланиши молиялаштиришда тижорат банклари маблағларидан самарали фойдаланиш.....	77
Учинчи боб бўйича хулоса.....	82
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	83
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	87

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида мамлакат иқтисодиётининг янада барқарор ривожлантириш ва ўзгартириш учун амалга оширилаётган вазифалардан энг муҳими бу давр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган банк тизимини ривожлантиришдан иборат.

Жаҳон талабига тўлиқ жавоб берадиган кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш ва барқарор ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан самарали фойдаланиш масаласини тубдан ҳал қилиш, керакли тарзда кичик саноат зоналарини молиявий маблағлар билан таъминлайдиган механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда солиқ ва бошқа имтиёзларни қўллаш орқали уларга моддий асос яратадиган молиявий унсурлардан жорий этиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инвестиция фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш борасида қуйидаги фикрлари яъни, “Жорий йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда” дея таъкидлаб ўтилган¹.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда кичик саноат зоналари фаолиятини ташкил этиш, унинг меъёрий-ҳуқуқий талабларига риоя этиш ҳамда кичик саноат зоналари фаолиятини ривожлантиришда тижорат банклари маблағларидан самарали фойдаланиш орқали биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи. 23 декабрь, 2017 йил.